

# ON THE PROBLEM OF PREPARING CHILDREN WITH DISABILITIES FOR FAMILY LIFE

Akbarova Nigorahon

Fergana is a teacher of a specialized vocational school for people with disabilities

**Abstract:** The article describes the legal and scientific basis for the preparation of children with disabilities for family life, the pedagogical and psychological features of the preparation of children with disabilities for family life.

**Keywords:** Education, special education, disability, disability, student, child with disabilities, student with disabilities.

## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ МУАММОСИГА ДОИР

**Акбарова Нигорахон**

Фарғона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби ўқитувчи

**Аннотация:** Мақолада имконияти чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг меъёрий-хукуқий ва илмий асослари, имконияти чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** таълим, маҳсус таълим, ногиронлик, имконияти чекланганлик, ўқувчи, имконият чекланган бола, имконият чекланган ўқувчи.

Жаҳон миқёсида имконияти чекланган болаларни мустақил ҳаётга, глобал ахборот муҳитига ижтимоийлашув жараёнларини ривожлантиришга қаратилган коррецион технологиялар амалиётга тадбиқ этилган. ЮНЕСКОнинг Инчхон декларацияси ва “Таълим-2030” халқаро ҳаракат дастурида “барча учун кенг қамровли, ҳаққоний сифатли таълим ва бутун ҳаёти давомида таълим олишини рафбатлантиришни таъминлаш” масалалари маҳсус таълим мазмунини такомиллаштиришда долзарб ҳисобланмоқда<sup>1</sup>. Натижада ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болаларда ҳаётий қўнималарни шакллантириш, оиласда шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий реабилитация ёндашувларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда коррекцион-ривожлантирувчи педагогик жараёнларни тизимлаштириш, интегратив ёндашувлар асосида дарс ва машғулотларнинг дидактик таъминотини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, оиласий ҳаётга тайёрлаш механизmlарини бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларда ижтимоий мослашувни ривожлантириш, мустақил шахс сифатида соғлом турмуш тарзини шакллантириш усувларини такомиллаштиришнинг назарий-методик таъминотини яратишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган таълимни халқаро андозалар асосида такомиллаштириш, ихтисослаштирилган таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув ва тарбия дастурларини яратиш, юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлашнинг меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> Инчхонская декларация Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. Инчхон, Республика Корея, 21 мая 2015 год.

стратегиясида “жисмонан соғлом, рухан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳәёттүнүктай назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгиланди. Натижада имконияти чекланган болаларни оиласи ҳаётта тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш, маҳсус методикаларини ишлаб чиқиши имкониятлари кенгайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёки жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бор бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш давлатимизнинг таълим соҳасидаги устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ташкил этилиши ҳамда болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилишининг қонуний асослари белгилаб берилди.

Шунингдек, мазкур Қонун билан ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам ва таълим олишга бўлган ҳукуклари кафолатланган.

Дунё миқёсида етакчи хорижий мамлакатларда оила, жумладан, имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш муаммосига глобаллашув нуқтаи назаридан қаралиб, оила ва оиласида болалар тарбияси муаммоси турли ташкилотлар томонидан ўрганилади, зарурий индикаторлари белгилаб берилади. Уларнинг баъзи бирлари қуидагилардан иборатdir. БМТнинг “Минг йиллик ривожланиш” ҳамда “Болалар ҳаёт кечириши учун мақбул дунёни яратиш тўғрисида”ги декларациялари (20.11.1989); Халқаро “Оила куни” (International Day of Families) резолюцияси; (15.05.1993) Ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш декларацияси (БМТ Бош Ассамблеяси, 11.12.1969.); “Болалар ҳаёт кечириши учун мақбул дунёни яратиш тўғрисида” ги конвенция (20.11.1989.); “Ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (14.03.2017); “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишини таъминлаш тўғрисида”ги қонулар (15.08.2017) ва бошқа халқаро-меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Маълумки, оила имконияти чекланган болаларнинг ижтимоийлашувида дастлабки бўғинни ташкил этади. Кузатишлар бундай оиласида, гарчи уларда болага нисбатан конструктив муносабат (боладаги муаммоларни тўғри қабул қилиш орқали унда зарур қўнималарни шакллантириш ва ривожланишига интилиш) мавжуд бўлсада, фарзандларини оиласи ҳаётта тайёрлаш бўйича зарур билим ва қўнималарнинг этишмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Халқимиз менталитетига хос бўлган “ўз тенгини топиб кетиш” тушунчаси ота-оналарининг фарзандларининг оиласи бўлишига мойиллигини рағбатлантириши билан бирга уларга консультатив ва методик ёрдам қўрсатишни такомиллаштиришни ҳам тақозо этади.

Таҳлиллар асосида имконияти чекланган болаларни оиласи ҳаётта тайёрлашда қуидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- имконияти чекланган болаларни тарбияланадиган оиласида хос ижтимоий-психологик муаммолар, айниқса уларда ота-оналар ва бошқа аъзоларнинг боладаги нуқсонлар билан боғлиқ ҳолда унинг шахс сифатида, жумладан оила бунёдкори – ота-она вазифаларини бажарувчи шахс шаклланшига таъсирининг етарлича тадқиқ этилмаганлиги;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожланишиш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

- имконияти чекланган ўсмирлар ва ёшларнинг оилавий ҳаётга бўлган муносабатлари, қизиқишилари, оила қуриш мотивлари ва қадриятларининг ўрганилмаганлиги, имконияти чекланган ёш оилалар мониторингининг олиб борилмаслиги;
- имконияти чекланган ўқувчилар таҳсил оладиган маҳсус таълим муассасаларида оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ ўқув ва тарбиявий дастурларнинг тизимли олиб борилмаслиги, бу жараёнда бошқа ижтимоий институтлар ва мазкур тоифадаги болалар тарбияланадиган оилалар билан ҳамкорликнинг талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги;
- ривожланиш нуқсонларининг турларига қараб (кўришида, эшитишида, интеллектида ва бошқа нуқсонлар) ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича умумий ва индивидуал ўқув ва тарбия дастурлари, технология ва методларининг яратилмаганлиги, бунинг учун аввало турли тоифадаги болаларда оилавий ҳаётга оид ижтимоий тажрибаларнинг шаклланишидан специфик муаммоларнинг алоҳида ўрганилмаганлиги;
- имконияти чекланган шахслар томонидан қурилган ёш оилаларга тизимли ижтимоий ва психологик хизматлар кўрсатишни янада такомиллаштириш зарурлиги;
- инклузив таълим шароитида имконияти чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ самарали моделлар ва методларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалар.
- Имконияти чекланган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали қуидаги натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақидаги холосага келинди:
- уларда оиланинг юксак қадриятлардан бири эканлиги, оиланинг жамиятимиз таянчи сифатида ҳар томонлама эъзозланиши ва хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги тасаввурлар ва оиласа бўлган хурмат туйғуси тарбия топади;
- соғлом болалар каби оилавий ҳаёт ва унинг турли соҳаларидаги фаолият билан боғлиқ билим, малака, кўнімка, яхлит олганда, ижтимоий тажрибани ривожланишнинг илк даврлариданоқ ўзлаштириб боради;
- репродуктив маданиятнинг шаклланиши натижасида соғлом фарзандлар дунёга келиши ва мазкур тоифадаги оилаларда дунё келган болаларнинг соғлом вояга етиши учун имкониятлар кенгаяди;
- улар томонидан дастлаб жинсий муносабатлар, кейинчалик эса оилавий ҳаёт билан боғлиқ турли хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олди олинади;
- пировардида имконияти чекланган оилалар мустаҳкамлиги натижасида жамият барқарорлиги янада мустаҳкамланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Инчхонская декларация Образование-2030: обеспечение всеобщего инклузивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. Инчхон, Республика Корея, 21 мая 2015 год.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон Фармони.
3. Назарова Д. Маҳсус таълим атамаларининг изоҳли лугати.-Т., 2012.
4. Пўлатова П.М. “Маҳсус педагогика (олигофренопедагогика)” Ўқитувчи- 2005 й.
5. Файзиева У. “Имконияти чекланган болаларни оилаларда тарбиялаш”.-Т.,2009